

## ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИНТЕРАКТИВ ДОСКАДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7333176>

**Наргиза Расулжановна Исматуллаева**

Филология фанлари бўйича PhD, доцент в.б.,

“Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

[ismatullayeva.nargiza@gmail.com](mailto:ismatullayeva.nargiza@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақола чет тили дарсларида интерактив доскадан фойдаланишининг афзал жиҳатлари, интерактивликни таъминлашдаги имкониятлари, ўқув материалларини яратишдаги қўлайликлари каби масалаларга багишланган. Натижса ва хуносалар биринчи курс талабалари учун “Асосий шарқ тили (хитой тили)” фани машгулотларида интерактив доскадан турли усулларда фойдаланиши тажрибасидан олинган.

**Калим сўзлар:** интерактив доска, чет тилини ўқиттишининг замонавий технологиялари, кўнғунциялилик, интерактив материал, визуал хотира.

## POSSIBILITIES OF USING THE INTERACTIVE BOARD IN FOREIGN LANGUAGE LESSONS

**Nargiza Rasuljanovna Ismatullayeva**

PhD in Philology, Acting Associate Professor,

Department of "Translation studies and international journalism",

Tashkent State University of Oriental Studies

[ismatullayeva.nargiza@gmail.com](mailto:ismatullayeva.nargiza@gmail.com)

**Abstract.** This article is devoted to issues such as the possibilities of providing interactivity, and the convenience of creating educational materials and other advantages of using an interactive whiteboard in foreign language classes. Results and conclusions are obtained from the experience of using interactive whiteboard in different ways in the lessons of "Basic Oriental Language (Chinese)" for first-year students.

**Keywords:** interactive board, modern technologies of foreign language teaching, multi-functionality, interactive material, visual memory.

### КИРИШ

Айни глобаллашув жараёнида бошқа мамлакатлар қатори бизнинг мамлакатимиз учун ҳам таълим соҳасида анъанавийликдан қочган ҳолда инновацион таълим технологияларини кенг жорий қилиш долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Ўқувчи-талабаларнинг фанга бўлган қизиқишлиарини орттириш, мотивация бериш учун видеотақдимотлар, инфографикалар, интерактив ўйинлар ва бошқа интерактив материаллар ўқитувчиларнинг кўргазмали материал, тарқатма материал, тақдимот материаллари фондида мавжуд бўлиши ҳамда таълим берувчилар буларни яратиш қобилиятига эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни ўқув дастурига интеграциялаш турли жиҳатларни, жумладан, ҳам ўқитувчи, ҳам ўқитувчиларнинг янги технологияга мослашишда ўз

усулларини топиши, ушбу усулларнинг педагогик жараёндаги ролини, янги кўнилмаларга эга бўлиш ва эҳтимол, ижтимоий мулоқотни ўзгариши мумкинлигини тушунишлари керак. Шу тариқа ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги бу мулоқот янада катта аҳамият касб этиб, айниқса иккисининг ҳам мақсади технологиядан тил машғулотларини ўзгариши ва анъанавий эски усулларни тақрорламаслик учун фойдаланиш бўлса, бу жуда муҳимдир [Schmid 2006:60].

Ҳозирда ўқув жараёнига кенг жорий қилинаётган мана шундай самарали ахборот-коммуникация технологиялардан бири интерактив доска ҳисобланади. Интерактив доска – бу рақамли проектор ёрдамида доскада компьютер тасвиirlарини акс эттирувчи сенсор экрандир. Бунда ўқитувчи тўғридан-тўғри экранда сичқонча сифатида бармоқларидан ёки маҳсус интерактив ручкадан фойдаланиб доскадаги элементлар билан ишлиши мумкин. Элементларни кўчириш, очиш ва нусҳа олиш мумкин.

В.Армстронг агар ўқитувчи интерактив доскани ўзаро таъсирчанликни таъминлашда фойдаланиш мумкинлигини хис қилса ва тегишли дастурй таъминотдан фойдаланса, бу қурилма интерактивликни ўрнатиш имкониятини бериши, агар у фақат тақдимот воситаси сифатида қабул қилинса, ўзаро таъсир ўtkаза олмаслигини таъкидлайди [Armstrong 2005:457]. Интерактив доска экрандаги иловаларни манипуляция қилишнинг турли усулларидан фойдаланган ҳолда интерактивликни таъминлай олиши аниqlанган.

Дарс жараёнida интерактив доскадан фойдаланишнинг афзал томонлари қўйидагилардан иборатлиги кузатилди.

Анъанавий усулдан фарқли ўлароқ, бундай доскада амалга ошириладиган ҳаракатлар кўп. Масалан, ушбу доскада тасвиirlарни кўrsatiш, видеоловаҳа бериш, аудиовоз эшиттириш ҳамда худди анъанавий доска сингари бармоқлар ёки маҳсус фломастер ёрдамида ёзиш, графикалар чизиш мумкин.

Биргина шундай кўпфункцияли доска ёрдамида дарсдаги вақтдан унумли ва мазмундор фойдаланиш имкони мавжуд.

Ўқитувчи дарсликдаги лексикани тушунтиришда айрим ҳолларда мушкуллукларга учраши табиий. Масалан, чет тили маданиятига хос реалиялар (таом номлари, урф-одат сўзлари, архитектурага оид сўзлар, миллий тиббиётга оид сўзлар ва ҳ.з.)ни тушунтиришда аниқ визуал тасвиirlarsiz талабани ишонтириш кийин. Албатта, бундай сўзларнинг тасвирини, изоҳини битта дарсликнинг ўзида батафсил ифодалаб бўлмайди. Анъанавий тарзда карточка ёки катта ватманга тасвири туширилган кўргазмали материалларни ҳам ҳар бир дарс учун тайёрлаб келишнинг имкони йўқ. Шу туфайли интерактив доска ва уларга ўрнатилган дастурлар ёрдамида интернет хизматидан фойдаланган ҳолда янги дарс лексикасининг тасвири, кўргазмали ишланмаларини тайёрлаш ўқитувчи учун ҳам вақтни тежашга, ҳам сифатни таъминлашга, ҳам талabalар қизиқишини жалб қилишга ёрдам беради. Бунда биргина янги сўз учун бир нечта тасвири кўrsatiш ва шу аснода таққослаш, изоҳлаш усуллари ёрдамида талabalарда муайян бир сўз бўйича аниқ тасаввурларни шакллантириш мумкин.

Масалан, хитой тилидаги 单眼皮 *dānyǔyǎnpí* – якка қовоқли (кўз қовоғи) деган тушунчани ўзбек талабасига тушунтириш анчайин мушкул. Буни ўз ўрнида бир нечта тасвиirlar ёрдамида кўrsatiш ҳамда унинг антоними бўлмиш 双眼皮 *shuāngyǎyǎnpí* сўзини ҳам тасвиirlar билан кўrsatiш талабада аниқ тасаввур уйғотади. Якка қовоқ асосан мўғул ирқига мансуб кишиларга хос бўлиб, кўзниң тепа қовоғи бурмасиз бўлади. (Гувоҳи бўлиб турганимиздек, бу ҳолатни визуал кўрмасак, сўз билан тушунтириш мушкул). Яна шунингдек, тематик лексикага оид сўзларни интерактив доскада тасвиirlar, қўшиклар, видеоловаҳалар ёрдамида намойиш қилиб ўргатиш жуда яхши самара беради.

Интерактив доскаларнинг махсус дастурларида, шунингдек, турли ўйин, тест, топшириқлар тайёрлаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, булар ўтилган дарсни тақрорлаб мустаҳкамлашда ёрдам беради.

Янги технологиянинг педагогик жараёнга таъсирини тушуниш учун у қандай шароитларда амалга оширилиши ва ушбу жараён иштирокчилари томонидан қандай изохланишини тушуниш керак [Schmid 2006:51].

Д.Гловер ва бошқа тадқиқотчилар интерактив доскани дарс жараёнида қўллаш борасида ўтказган тажрибаларга мурожаат қиласиган бўлсак, кузатишлар ва интервюлардан маълум бўлишича, интерактив доскадан фойдаланишни бошлаган ўқитувчилар ушбу технология интерактивликни таъминлашда анъанавий дарс машғулотларига ёрдамчи сифатида хизмат қилганинг ҳамда уларнинг дарсга тайёргарлиги, дарс бериш услубини ҳам ўзgartирганлигини таъкидлашган [Glover 2007:17].

Интерактив доска дарс жараёнида матнлар билан ишлашда ҳам ўқитувчи учун катта имкониятларни беради. Ўқитувчи интерактив доскада тасвири туширилган матндаги айрим сўзларни ўчириб ташлаши ва талабалардан ана шу сўзларни тахмин қилиб топишларини сўраши мумкин. Ёки бўлмаса, ўқитувчи матннинг маълум қисмини доска дастуридаги маъсус парда билан ёпиб туриши ва матннинг қолган қисми мазмуни хақида сўраши, матнни импровизация қилишни топшириқ сифатида бериши мумкин.

Бундай досканинг яна бир афзалликларидан бири интерактив доска билан ишлаш чоғида ўқитувчи доим эътибор марказида бўлади, талабаларга доим юзланиб аудитория билан тўғридан-тўғри алоқани ушлаб тура олади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, интерактив досканинг имкониятлари чексиз. Таълим берувчининг бундай замонавий ускунадан тўғри фойдаланиши, бой тасаввурини ишлатган холда дарс учун янгидан янги топшириқлар тайёрлаши дарс жараёнини самарали ва қизиқарли олиб боришга, шунинг натижасида эса талабаларга билим олишда янада катта мотивация бериши муқаррар. Педагогнинг доимий изланишда бўлиши, замон билан ҳамнафас самарали ўқитиш методикаси ва технологияларини ўзлаштириши, шу тариқа дарс беришга янгича ёндашувни қўллаши давр талаби бўлиб қолди.

## **АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. Armstrong, V., Barnes, S., Sutherland, R., Curran, S., Mills, S., & Thompson, I. (2005). Collaborative research methodology for investigating teaching and learning: the use of interactive whiteboard technology. *Educational Review*, 57(4), 457–469.
2. Glover D., Miller D., Averis D. & Door V. (2007) The evolution of an effective pedagogy for teachers using the interactive whiteboard in mathematics and modern languages: an empirical analysis from the secondary sector, *Learning, Media and Technology*, 32:1, 5-20.
3. Ismatullayeva, N. R. (2020). Expression of somatic physionimistic lacunas in chinese and uzbek languages. In *Наука и инновации в XXI веке: актуальные вопросы, открытия и достижения* (pp. 127-129).
4. Ismatullayeva, N. R. (2021). On the Introduction of E-Learning Portfolio in the Educational Process. *Current Research Journal of Pedagogics* (2767-3278), 2(09), 35-37.
5. Schmid, Euline Cutrim. Investigating the Use of Interactive Whiteboard Technology in the English Language Classroom through the Lens of a Critical Theory of Technology. *Computer Assisted Language Learning* Vol. 19, No. 1, February 2006, pp. 47–62.